



Атрофни коронгулик чулгаган бўлса-да, хаво дим эди. Бунакаси хатто Сан-Францискода хам камдан-кам бўлади. Эски Алта-Ино клубининг очик деразасидан кўчанинг говур-гувури шундоккина кулокка чалинади. Ичкарида порахўрликка карши курашиш ва агар унга бархам берилмаса, шахар жиноятчиларга тўлиши тўгрисида баҳс кетарди. Башариятнинг тубанликлари, хусуматлари, ахлокий бузукликларига хар турли мисоллар келтирилди. Охирида кимдир ўтган кунги воеани ёдга олди ва ўша машъум куннинг тунида рингда ўлдирилган машхур навқирон боксчи О'Брайен номини хеч ким тилдан кўймади. Бу исм ичкаридагиларни жонлантириб юборди. О'Брайен тўгрисўз, хушхулк йигит эди. Ичмас, чекмас, сўкинмас ва ёш маъбуллар сингари кўркам эди. Хатто рингга хам ибодат китобчаси билан кўтарилиларди. Китобча кийимхонадан, палтосининг чўнтағидан чиқди... вафотидан сўнг.

У бегубор ва хушсурат, кайсики, одамни тарқ этиб, ўрнида туйкус кексалик пайдо бўлганда уни беихтиёр ўзига ром этадиган ёшликтинг тимсоли эди. Бу кеча биз ушбу умрнинг баҳорига интилдикки, Орзу кела солиб, барчамизни дераза ортида газаб-ла шовкин солаётган шахардан олислардаги ўзининг салтанатига олиб кетди. Бардуэл бизга ўкиб бермокчи бўлган Торонинг мисраларида бундай кайфиятнинг еллари бирмунча эсиб туради. Лекин айнан у эмас, такирбош, хўппасемиз Трифден кечамизнинг хаёлий қаҳрамони сифатида намоён бўлди. Аввалига унинг хикоясини эшитиб ўзимиздан, овкатдан сўнг неча стакан вискининг бошига етди экан, деб сўрадик, бирок кейин бу хакида ўйламай хам кўйдик.

— Бу воеа минг саккиз юз тўксон саккизинчи йилда бўлганди, ўшанда ўттиз бешда эдим, — сўз бошлади Трифден. — Билиб турибман, хаёлларингизда чамалаб кўряпсизлар... нимаям дердим, хакикатдан юз ўғиролмайсан — хозир киркдан ўтдим, афти-ангормига караб эса ўн йил кўпроқ бериш мумкин. Шифокорлар хам айтишяптики... жин урсин, бу ок халатлиларни!

У таги чукуррок стаканни оғзига олиб келиб, ховурини босиш учун аста симирди.

— Аммо мен ёш эдим... качонлардир. Ха, ўн икки йил аввал соchlарим сийка эмас, куюк, ўзим эса бакувват, келишган, хипча эдим. Энг узун кун хам мен учун гоят киска тюларди. Сен эслайсанку, Милнер, биз сен билан анчадан бери ош-катикмиз. Ўзинг айт, зап азamat эмасмидим?

Милнер бosh силкиди. У Трифден каби тог мухандиси бўлиб, Клондайкда ризкини териб юради.

— Сен хаксан, кария, — деди Милнер. — Ўша окшом кандайдир мухбир танноз тўполон кўтарганида ўрмон кесувчиларни боплаб таъзирини берганинг сира ёдимдан кўтарилимайди. У пайтда Слэвин сафарда эди, — батафсилроқ тушунтириди бизга Милнер, — унинг иш бошкарувчиси ўзининг гумашталарини Трифденга рўбарў килганди.

— Энди эса ахволимга каранглар, — деди аламнок Трифден. — Олтин васвасаси мени

не кўйларга солди. Чўнтағимда неча миллионлар борлиги ёлгиз Яратганга аён, калбим эса бўм-бўш, томирларимда бир томчи-да кайнок кон окмайди. Энди мен нак медузаман — бир тогора совук илвираган хамир... Вуй-й!

Унинг овози калтираб кетди ва яна тасалли учун вискига талпинди.

— У вактлар аёллар мендан кўз узишмасди. Хозиргача оила курмаганим галати кўринади... Хаммаси ўша кизни деб... Айнан ўша хакда сўзлаб бермокчиман. Мен уни ок танлилар истикомат киладиган жами масканлардан минг мил — балки, унданда узокроқдир — олисларда учратдим. У менга хозиргина Бардуэл ўкиб берган Торонинг мисраларидан — илохлар, ёруг кунда дунёга келганлар хамда кора тунда тугилган малоикалардан парча келтирганди.

Булар Голстедга ўрнашиб олганимдан сўнг юз берди. Голстед сойи канчалик олтин тўла ўра эканлиги хаёлимга хам келмаганди. Коятогдан Катта Бандикўл оркали шаркка “юриш” килдим. Шимолда Коятог нафакат тог тизмаси, балки ўтиб бўлмас чегара, девордир. Кадимда дарбадар овчилар бу тогдан камдан-кам ўтишган, аммо бундай юраги бутунларнинг аксари йўлдаёк бандаликни бажо келтиришарди. Шунинг учун хам бу машаккатли йўл хисобланар ва мен ушбу йўлни босиб ўтишга бел bogладим. Бундай жасурликдан хар ким фахрланса арзиди. Хозир хам хаётимдаги бошкалардан кўра шу ишимдан кўпроқ гуруранаман.

Мен ўзга оламга тушиб колгандим. Унинг бепоён кенгликларини хали бирор текширмаган, бирор оқ танли одам оёги тегмаган, хинду кабилалари эса бу ерларда ўн минг ийллар илгариги ибтидоий шароитда кун кўришарди... Негаки улар ўшанда хам хозиргидек оқ танлилар билан баъзи-баъзи холлардагина савдо муносабатларига киришишарди. Вакти-вакти билан алоҳида хинду гурухлари шу максадда тогдан ўтишарди. Лекин Гудзонов кўрфази Компанияларига хам манзилга етиб, бу жойларни эгаллаш насиб этмади.

Энди кизга кайтайлик. Мен агар Калифорнияда бўлганида дарё хисобланадиган, номсиз, бирорта харитага киритилмаган сой бўйлаб юкорига кўтарилидим. Кўз ўнгимда гоҳ баланд тош деворлар билан ўралган, гоҳ яланг хушманзара водий намоён бўлди. Яйловлардаги ўт-ўланлар одамбўйи чўзилган, майсазорлар гулларга бурканган, хар-хар ердаги коракарагайларнинг шох-шаббалари тарвакайлаб кетганди. Елкаларига залворли юклар ортилган итларим батамом кучдан колишди, панжалари конталаш бўлиб кетди.

Мен кандай бўлмасин хиндулар кўналгасини излашга тушдим. Улардан чана ва ит хайдовчиларни ёллаб, биринчи кор билан йўлда давом этиш умидида эдим.

Мени кузнинг охири бўлса-да бу ерларда гулларнинг очилиб тургани хайрон колдириди. Чамаси, мен субарктик Американинг каериладир, Коятогдан юкорирокда тургандим, хакикатда эса хаммаёқда бошдан-оёқ яшил гилам тўшалганди. Качон бўлмасин бу ўлкаларда оклар пайдо бўлади ва бу далаларга бугдой сепишади.

Нихоят, гулхан тутунига кўзим тушди, итларнинг акиллашини эшитдим — хиндуларники — ва кўнокка етиб бордим. Бу ерда тахминан, беш юзтacha хинду бўлиб, гўштни сурлашга мўлжалланган устунлар сонидан кузги ов мавсуми омадли келганини тушундим. Худди шу ерда уни, Люсини учратдим. Уни шундай чакиришарди. Хиндулар билан факат имо-ишора оркали гаплаша олдим. Мени улкан вигвамлар — гулхан ёниб турган тарафи очик чодирга бошладилар. Вигвам оловранг бугу терисидан эди. Ичкарида озодалик ва саранжомлик хукм сурарди. Бундай саришталикни хали биронта хинду чайласида кўрмагандим. Ётаржой янги кесилган коракарагай шохларига тўшалганди: бир кучок мўйна устидан оппок паркувдан тайёрланган адёл солинганди. Бундайин адёлни

биринчи кўриш имконига эди. Унинг устида оёкларини чалиштирганча Люси ўтиради. Корачадан келган, ёнгокранг. Уни киз деб атадим. Йўк, у аёл эди, шукухли, камолотга эришган бугдойранг амazonка. Кўзлари эса мовий эди. Ха, мана ўшанда мени нима сехрлаган: унинг кўзлари, кўм-кўк — нигоҳларида дарё мовийлиги-ю, само кўклиги коришиб кетганди, гўё. Айникса, уларда куёш нурларига чўммаган кайнок хушчакчаклик жилваланар, уларда чукур инсонийлик билан бирга... кандай тушунтирусам экан... чексиз назокат бор эди. Тагин нимани айтсан экан? Бу мовий кўзларда донишманд-файлласуф хотиржамлиги янглиг оташин азобни хам, гам-андухни хам, осудаликни хам ўкидим. Бирдан Трифден хикоясини тўхтатди.

— Биродарларим, сизлар, балки, мени ортиқча ичиб кўйди, деб ўйлаётгандирсизлар. Асло. Бу кечликдан кейин бешинчиси. Мен мутлако хушёрман ва тантанавор руҳдаман. Ахир, хозир мен билан ўтмишдаги баҳтиёр ёшлигим гаплашяпти. Айни замондаги “кария Трифден” эмас, ёшлигим тасдикламоқдаки, бу кўзлар бир пайтлар мен кўрган энг ажиб кўзлар эди: шундай хотиржам ва шу билан бир вактда маъюс, доно ва синчков, кўхна ва жўшкин, мамнун ва илтифотли. Йўк, дўстларим, уларни тасвирлагани сўз тополмайман. Келинглар, яхшиси, у хакида гапириб бера колай, ўзларинг тушуниб олаверасизлар... Люси ўрнидан кўзгалмай, кўл узатди. “Ёт киши, — деди у, — сиз учун хурсандман”. Кўпол шимоли-гарб лахжасини биласизларми? Кай ахволга тушганимни фараз килаверинглар. Мен ок танли аёл кишини учратдим, лекин унинг лахжаси... Дунёниг нариги бурчагида ок танли аёлга дуч келиш ажойиб, бирок, Худо хайрингни бергур, унинг лахжаси кўнгилни гаш килар, кулокни бузук охангдек батанг киларди. Барibir аёл жозибали эди. Кулок солинг, ўзларинг амин бўласизлар.

У ишора берганди шу захотиёк хамма чикиб кетишиди. Хиндулар унга кабила бошлигига бўйсунгандай сўзсиз бош эгишарди. У эркак хиндуларга мен учун чодир тикишни ва итларимга гамхўрлик килишни буюрди. Буйрук бажо келтирилди. Улар хатто мокасинимнинг богичига хам кўл теккизишмади. Улар бу аёлда Итоат Этиш Керак Бўлган сардорни кўришарди. Бу ерлардан минг мил нарида ёввойилар кабиласини ок танли аёл бошкармоқда, деган ўйдан ларзага келдим.

“Ёт киши, — деди у, — ўйлашимча, сиз бу водийга кадами етган илк ок танлисиз.

Ўтилинг, гурунглашамиз, кейин эса таомга. Каёкка йўл олдингиз?”

Яна унинг талаффузи гашимга тега бошлади. Бунга эътибор килманглар. Ишонтириб айтаманки, паркув адёлга чўкиб, бу дилбар аёлга кулок берганча ўзим хам буни ўйламай кўйдим.

Бу водийда бир хафтача бўлдим. У ёкларда колишни унинг ўзи таклиф этди. Ит, чана ва хайдовчиларни ваъда килди. Унинг чодири бошқаларникидан алоҳида, дарёнинг юкори киргогида бўлиб, бир нечта хинду кизлар унинг хизматида эди. Биз у билан сухбатлашардик, тинмай сухбатлашардик, бу то биринчи кор тушиб, чана юргизишига имкон бўлмагунча давом этди. Люсининг айтишича, у чегарада тугилган экан, кашшок кўчманчилар оиласида. Биласизларми, уларнинг хаёти канака: меҳнат, меҳнат, боши-кети кўринмайдиган кора меҳнат...

“Мен оламнинг гўзаллигини пайкамасдим, — сўз бошлади Люси. — Бунга вактим йўк эди. Билардим, у ёнимда, кулбамиз атрофида, аммо нон пиширишим, супуриб-сиришим, хар хил юмушларни бажаришим керак эди. Гоҳида ўлгудек эркинликни истардим, айникса, баҳорда, кушлар навоси аклдан оздираёзганда. Яйловларда оёкларим шабнамдан ивимагунча югургим, ўрмонга кириб, узок-узокларга кетгим, довонга чикиб, у ердан олисларга тикилгим келарди. Дараларда, кўллар бўйида сангишни, кундузлар, олачипор

гулмохилар билан дўстлашишни, олмахонлар, куёнлар, турли жониворлар оркасидан писиб бориб, уларни кузатишни, сир-асрорларидан вокиф бўлишни хохлардим. Менга шундай туюлардики, гарчи вактим бўлганида хам майсалар устида ётиб, жонзотлар биз одамлар билмаган нарсалар хакида пичирлашаётганига кулок соглан бўлардим”.

Трифден стаканини тўлдирмагунларича кутиб турди.

— Бир сафар эса шундай деганди:

“Мени ёввойи хайвонлардек ой нурида, юлдузлар хамрохлигига тунлари дайдиши истаги кийнарди, зулматнинг муздек баҳмали баданимни эркалаши учун ортимга карамай юргум келарди. Кайсирик окшом, оғир, жазира мақалалардан сўнг — шу куни нимага кўл урмай, ишим юришмади — бутунлай холдан тойдим. Отамга ахён-ахёнда тунлари сайр килгим келаётганини билдиридим. У ажабланиб менга бакрайиб турди-да, икки дона хапдори берди ва жойимга ётиб, мирикиб ухлаб олишимни маслаҳат берди. Шундан буён ўз истакларимни бирорга ишонмайман”.

Уларнинг хўжалиги оғир ахволга тушиб, оила камбагалликка юз тутди ва улар Сиэтлга кўчиб ўтишди. У ерда Люси иш куни асрга татигулик ва меҳнати оғир, тинкани куриладиган фабрикадан иш топди. Бир йил ўтиб, арzon ресторонга официант сифатида ишга кирди.

“Азалдан, — деди бир куни менга Люси, — хаёлпарастрокман. Лекин козон-товору фабрика ва арzonгаров ресторонларда хаёлпарастликка ўрин бор деб ўйлайсизми?”

Ўн саккизга тўлганда Жунода ресторан очмокчи бўлган кишига турмушга чиқди. У кишининг озрок жамгармаси бўлиб, Люсига бойваччадек кўринганди. Люси уни севмасди — буни доимо таъкидларди — аммо киз чарчаганди, машаккатли меҳнат жонига текканди. Бунинг устига Жуно Аляскада жойлашган. Люси бу мўжизавий ўлкага кўчиб ўтишга жон-дили билан рози бўлди. Бирок умидлари саробга айланди. Эри арzon ресторон очди. Тез орада Люси унинг нима сабабдан уйланганини англаб етди: максад — текин хизматкорга эга бўлиш экан. Люси барча юмушларни — мижозларга хизмат кўрсатишдан тортиб идиш-товор ювишгача бир ўзи бажаришига тўгри келди. Колаверса, кун бўйи жиз-биз киларди. Шу тарзда тўрт йил яшади.

Ифлос ковокхонага банди килинган ва нақд тўрт йил мобайнида захмат чекишга мажбур бўлган бу ёввойи, ибтидоий сезгига мойил, озодликка ташна ўрмон мавжудотини кўз олдингизга келтираверинглар!

“Хаммаси шунчалар маънисиз эдики, — деди у. — Кимга керак бунака хаёт? Мен нима учун дунёга келдим? Нахот яшашнинг маъноси ишлар, ишлар ва яна ишлар бўлса?

Ётганингда хам чарчаган бўлсанг, уйгонганингда хам чарчокни хис килсанг, кунлар бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш бўлса, бундан нима наф?” Баъзи риёкорлардан мангу хаёт хакида эшитган бўлса хам ўзининг ердаги хаёти бокийликнинг гарови бўлишига ишонмасди.

Идеал хаёт орзуси уни тинч кўймасди. У бир канча китобларни ўкиб чиккан бўлса-да — айнан кайсиларини, билмайман — “Денгиз бўйи кутубхонаси” туркумидаги романлар бўлса керак, улар хам орзуларини озиклантиради, холос.

“Гоҳида, — дерди Люси, — ошхонадаги дим хаводан бошим шундай айланардики, агар мусаффо хаводан бир сипкормасам, хушимдан кетаёзардим. Деразадан бошимни чиқариб, кўзимни юмардим ва тасаввуримда ажиб манзаралар пайдо бўларди. Шундай туюлардики, аста юриб кетяпман, атрофимда эса сукунат, озодалик: на чанг, на губор. Ўтлокларда жилгалар шилдираб окади, кўзичоклар чопкиллаб юришибди, сабо гулларнинг муаттар хидини барчага улашаяпти, борлик куёш нурларига чўмган. Сигирлар

тиzzабўий сувга тушиб олишган, сойда кизлар чўмилишяпти, баданлари оппок, нафис. Хаёлимда Аркадиядаман. Бу ўлка хакида кайсиdir китобда ўкигандим. Балки — орзу килардим — йўлнинг муюлишида бирдан совутлари куёшда ялтираётган от минган рицар ёки кордай оппок отда малика пешвоз чикар. Нарирокда кандайдир касрнинг миноралари гавдаланади. Ёки кейинги бурилишда нукрадек оппок, фавворали афсонавий саройни кўраман деб, ўй сурадим... Кўзимни очгач эса ошхонанинг бўгик нафаси тагин юзимга урилар, Жейкнинг, эримнинг овозини эшитишга мажбур эдим: “Нўхотни нега сузмаяпсан? Кун бўйи кутиб ўтираманми?” Соҳир ўй-орзулар! Эҳтимол, маст арман-ошпаз жанжал кўтариб, ошхона пичогини бўйнимга тираганда, мен эса темир ховонча билан бошига туширганимда, аммо ундан аввал кўлимни кизиб турган печда куйдириб олганимда уларга хаммадан кўра якинрок тургандирман.

Мен бехаловат, кувнок хаётни, чиройли буюмларни орзу килардим... аммо хаёлимга тез-тез шундай фикр келардики, пешонамга баҳт битилмаган, кисматим факат пишир-куйдиру козон-товок ювишдан иборат. Айни дамда Жунода айш-ишрат авжига чиккан. Бошка аёллар ўзларини кандай тутаётганларини кўрдим, лекин уларнинг хаёт тарзи заррача бўлсада мени ўзига жалб эта олмади. Мен пок бўлишни истардим; билмадим, нима учун. Идиш-товок ювиб ўласанми ё анов аёллардекми — барибир эмасми?”

Трифден бир зумга оғзига талкон солиб олди, фикрини бир жойга тўпламокчидай эди. — Ха, мана кандай аёлни учратгандим: у ёввойи хиндулар кабиласининг сардори эди, бир неча минг квадрат мил территорияга эгалик киларди. Бу осонгина амалга ошганди, гарчи унинг ўзига козон-товоклар ичида яшаб, шу ерда риҳлатга кетишдек туюлса-да.

“Исён кўтариш соати етиб келганди. Ўша кунлари сўзлари халигача ёдимда бўлган газета парчаси кўлимга бехос тушиб колди”. У менга Торонинг “Инсон фарёди” китобидан парча келтириди:

“Ёш карагайлар жўхоризорда йилдан-йилга бўй чўзади, бу мен учун кувонарли хол. Биз хиндуларни маданийлаштиришимиз лозим, деб айтамиз, лекин бу уларнинг хаётини ўнгламайди. Жанговор хамда мустакиллигича колиб, ўрмонда танхоликда кун кўраётган хинду ўзининг Худоси билан алокани йўқотмади. Вакти-вакти билан онда-сонда учрайдиган, ўзига хос мулокот — табиат-ла тиллашиш баҳти унга насиб этади. Унга юлдузлар якинрок, бизнинг майхоналаримиз эса бегона. Калбининг ўчмас нури хира кўринади, чунки у биздан олисларда. У кўзни камаштирадиган, бирок заарарли ва узокка бормайдиган шам алангаси билан ракобатга киришган нурсиз, аммо химматли юлдузлар ёгдусига монанд.

Кардошлик ороллари ахолисининг кундуз ёругида дунёга келган илохлари бўлган. Аммо улар тунда тугилган Худоларга нисбатан жуда кадимий эмас...”

Люси буларни сўзма-сўз айтди, жумлалар унинг оғзидан шукухли эштиларди.

“Ана шунака. Колгани ертиб олинган экан, — кўшимча килди Люси аччик алам билан. — Бу фактагина газета парчаси эди, холос. Торо — буюк донишманд. У хакида кўпроқ билишни истардим”.

Люси жимиб колди, онт ичаманки, бир дақиқадан сўнг: “Мен унга муносиб умр йўлдош бўлардим”, — деганида унинг юзи гўдакникидек бегубор эди.

Кейин, сўзида давом этди:

“Бу жумлаларни ўкиб бўлдиму менга нима бўлганини англаб етдим. Мен тун фарзанди эдим. Умрим бўйи кундуз болалари орасида бўлдим, аслида эса зулматга тегишли эдим.

Мана, не боис бундай хаёт — козон кавлаш, идиш-товор орасида ивирсиш күнглигимга ўтиришмайди, мана не боис ой шуъласи остида ялангоч бўлиб чопгим келади. Жунонинг ифлос майхоналари мен учун эмаслигини тушуниб етгандим. Ана шунда ўзимга-ўзим: “Бас, етар”, — дедим, афтодахол уст-бошимни ечиб, ташкарига чикдим. Жейк тўхтатишга уринди.

— Нима килмокчисан?

— Ўрмонга кетаман, ўз маконимга.

— Хеч каёкка кетмайсан, — елкамдан тутиб, ушлаб колмокчи бўлди. — Ошхонадаги хароратдан аклингни йўкотибсан. Бирор кулфатга йўлиқмасингдан мени эшиш.

Мени эса унга револьвер ўкталдим, кичкина колт-44 ва: “Мана менинг жавобим”, — дедимда жўнаб колдим”.

Трифден стаканни бўшатиб, яна куйишларини сўради.

— Биласизларми, кейин у нима килди? У пайтда йигирма икки ёшда эди. Лаънати тўрт йилини ошхонада ўтказди, энди эса барча йўллар очик эди. Бу сафар ишратхонага бориб ўтирмади. Тўгридан-тўгри соҳилга. Менимча, Аляскада сув йўли билан саёҳат килишни афзал кўришади. Айни шу дамда хиндулар кайиги Дайига жўнаётганди — бундай нусхадаги кайикни кўргансизлар, ёгочни ўйиб ясалади, энсиз, чукур, узунасига олтмиш фут. Люси хиндуларга кўлидаги бор чакани узатиб, кайикка ўтирди.

“Соҳир хаёлот? — деди у. — Соҳир хаёлот ижобати илк дакикаларданок бошланди.

Кайикда мендан ташкари учта оила хам бор эди. Кимирашнинг иложи бўлмасди. Оёқ тагида ит ва болакайлар ўралашибар, кайик олдинга силжиши учун хамма бирма-бир эшкак эшиши лозим эди. Икки томонимиз эса корли тоглар билан ўралган, улардан хам юксакрокда булувлар онда-сонда күёшни яшириб туришади. Сукунатни айтмайсизми! Хайратомуз осойишталик! Ора-сира узок-узокларга, дараҳтлар орасидаги овчилар кароргоҳидан чикаётган тутун юкорига ўрлайди. Бу саёҳат bog сайрини эслатар, орзуларим хакикатга айланишига кўз тика бошлагандим. Кандладир мўъжиза юз беришини кутардим ва бу чиндан-да рўёбга чиқди.

Оролдаги илк кўналгамиз, балик овлаётган шумтакалар, хиндулардан бири турган жойидаёк пайкон отиб кулатган баҳайбат бугу! Хамма ёк гулга бурканган, киргокдан нарироқда ўтлар одам бўйи, калин, диркиллаб турибди. Бир канча кизлар билан тепаликка чикиб, маймунжон ва турфа хил илдизмевалар тердик, нордон, лекин хушхўр. Бир жойда мева билан корин тўйгазаётган улкан айикка йўлиқдик. У хуркиб кетиб, бўкирди ва бизга ўхшаб ура кочди. Гулхан атрофидаги ўйин-кулги, бугу гўштининг сўлагингни оқизадиган хиди! Гаройиб! Нихоят мен ўз кондошларим билан бирга эдим, менинг жойим уларнинг орасида эди. Ўша окшом уйкуга кетар эканман, чодирнинг бир четини кўтариб, викорли тоглар ортидан жилмайиб караётган юлдузларга тикилдим, туннинг шивир-шивирига кулок солдим ва умримда илк бора ўзимни баҳтиёр сездим. Эртага хам, унинг эртасига хам, умрбод шундай бўлиб колишини билиб турадим. Ортга кайтмасликка карор килдим. Кайтмадим хам.

Хомхаёллар! Буларнинг нима эканлигини эртаси куни билдим. Биз энига ўн икки-ўн беш милдан кам бўлмаган дарёнинг вахимали ирмогидан сузуб ўтишимиз керак эди.

Ирмокнинг ўртасига етганимизда довул кўтарилди. Тунни киргокда катта бўрибосар билан ёлгиз ўтказдим, негаки бирор кимса тирик колмаганди”.

— Фараз килинг, — деди Трифден хикоясини тўхтатиб, — кайик агдарилиб чўкиб кетди. Ичидагиларнинг барчаси халок бўлди. Биргина Люси итнинг думига илакишганча киргокка чикиб жон саклаб колди. Кўзини очганда жимитдек кумлок саёзликда эди.

“Хайриятки, бу орол бўлиб чикди, — деди у. — Мен ўрмон оралаб ичкарирокка юравердим. Кўрган одам ниманидир ахтаряпти, деб ўйлаши тайин эди. Аста кадам санайвердим. Ичимда кўркувдан асар хам топилмасди. Ахир, мен тун фарзанди эдим. Ўрмоннинг вахимаси мени кўркитолмасди. Оролга тушганимнинг иккинчи куни излаганимни топдим. Ўрмон ичидаги тор сўмокда ярим вайрона кулбага кўзим тушди. У анчадан бери хувиллаб ётган кўринарди. Том ўпирилиб тушганди. Каравот устидаги кўрпа-ёстик чириб битган, ўчок ёнидаги хум ва козонни ис босиб кетганди. Энг кизиги хали олдинда эди. Дарахтлар орасидан нима топганимни хаёлингизга хам келтиrolмайсиз. У ерда качонлардир дарахтга bogланган саккизта от скелети ётарди. Отлар, афтидан, очдан ўлган, улардан бир уюм суюк колганди, холос. Хар бир отнинг белига хуржун ортилган экан, шекилли, суюклар орасида каноп копчиклар ивирсиб ётарди, бу копчикларда эса бугу терилилари, уларнинг ичидаги эса... сиз ўзингиз нима бор деб ўйлайсиз?”

Люси энгашиб коракарагай новдалари тагидан тери хуржунни олди. Оғзини ечиб умримда кўрмаган бир дунё олтинни кўлимга тўкди: бу ерда катта микдордаги олтин кум зарралари бор эди, рангидан софлиги ва бирон марта ювилмаганинги билиниб турарди. “Сен тог мухандисиман дединг, — мурожаат килди менга Люси, — бу юртни яхши биларкансан. Мана шу рангдаги олтин олинадиган бирорта soy номини айта оласанми?” Мум тишлаб колдим. Олтинга хеч канака кумуш аралаштирилмаган, тоза эди. Олтин сифатини Люсига айтдим.

“Тўппа-тўгри, — тасдиклади, — мен бир унциясини ўн тўккиз доллардан пулляпман. Эльдорадо олтинларига ўн еттидан ортиқ беришмайди, асл баҳоси эса ўн саккизга якин. Суюклар орасидан саккиз коп олтин топдим, хар бирида юз эллик фунтдан !”
— Чорак миллион доллар! — хайкириб юбордим.

— Ўзимнинг хомчўтим бўйича хам шунча. Мана сизга хаёлот! Шунча йил молдек ишладим, озодликнинг таъмини татиб кўришим биланок — уч кун ичидаги бир дунё саргузашт! Бу олтинларни кўлга киритган одамларга нима бўлган экан? Мен тез-тез бу хакида бош котирарам. Юк ортилган отларини дарахтга boglab, ер юзидан изсиз йўколишган. Уларнинг кисмати нима билан тугаганини бирор билмайди, шундай экан мен, тун фарзанди, ўзимни уларнинг хакконий меросхўри хисоблайман”.

Трифден сигара тутатиб ўйга чўмди.

— Биласизларми, кейин у кандай йўл тутди? У хамма бойликни яширди, факатгина ўттиз фунт олтинни чўнтағига жойлаб сохилга караб кетди. Сохилга якинроқ жойдан сузуб ўтаётган кайикни тўхтатиб, Дайидаги Пэт Хили факториясига жўнади. Керакли аслаха-анжом сотиб олиб, Чилкут довонини ошиб ўтди. Бу минг саккиз юз саксон саккизинчи или, Клондайк олтин кони очилмасидан саккиз йил аввал, Юкон сохиллари ўлик сахрога эврилмасидан илгари бўлганди. Люси хиндулардан хайикарди, шундай бўлса-да кўлни сузуб ўтиб, куий Юконда биринчи учраган кўналга томон дарё бўйлаб пастга тушди. Бир неча йил саргардон юрди. Кейин эса биз учрашган жойга келиб ўрнашди. Бу жойлар унга ёкиб колди. Ўзи айтганидек, бу масканда “водий юрагида тизза бўйи алвонранг гулсафсалар орасида савлат тўкиб турган эркак бугу”ни кўрганди. У хиндулар орасида яшаб колди, уларга табиблик килди, ишончга кирди ва аста-секин уларга йўлбошлилк кила бошлади. Шундан бери факат бир марта иссик ўрнини тарк этди: ёш хиндулар гурухи билан Чилкутдан ўтиб, яшириб кўйган олтинларини ковлаб олди-да маконига кайтди.

“Мана, шу ўлкада кунимни кўряпман, ёт киши, — хикоясини тамомлади Люси, — манави

эса менинг энг бебаҳо ҳазинам”.

Люси бўйнига осиб олган бугу терисидан тикилган нишонсимон халтачани олиб, уни очди. Ичидан ёг босган шойига ўралган, вакт ўтиб саргайган, ягири чикиб кетган, Торонинг жумлалари ёзилган газета парчасини чикарди.

— Хўш, баҳтлимисиз? Ҳаётингиздан мамнунмисиз? — сўрадим. — Чорак миллион доллар билан Штатларда хам ишламай яшашингиз мумкин. Сизга бу ерда кўп нарса етишмаса кераг-ов.

— Унчалик эмас, — жавоб берди Люси. — Мен Штатлардаги биронта аёл билан ўрин алмашмасдим. Менинг жойим шу ерда, ўзимга ўхшаганлар орасида. Тўгри, шундай дакикалар бўладики, — унинг кўзларида юкорида айтилган надоматни кўрдим, — ёнимда Торо бўлишини астойдил хоҳлайман.

— Сабаб?

— Унга турмушга чикиш учун. Бора-бора ўзимни ёлгиз хис киляпман. Мен хам ожизаман, оддий аёлман. Бошка тоифадаги аёллар, худди мен каби уйдан кочиб кетиб, хайратланарли жасурликлар кўрсатган, масалан, аскар ёки денгизчи бўлган аёллар тўгрисидаги миш-мishлар кулогимга чалинган. Улар аломат аёллар. Улар эркакшода аёллар, чин маънодаги аёл кишида бўладиган эҳтиёжга муҳтоҷ эмаслар. Улар мухаббат ўтида ёнмайдилар, бола кўришни хоҳламайдилар. Мен бўлсан, айнан ушбу тоифаданман. Ўзингиз баҳо бериб кўринг, нахот эркакка ўхшасам?

Мутлако. У зигирча бўлса-да эр кишига ўхшамасди. У тўлачадан келган, мовий кўз, дилбар, корамагиз аёл эди.

— Нахот мен аёл киши бўлмасам? Ха, мен хам бошка аёлларга ўхтайман. Шуниси галатики, тун фарзанди бўла туриб, севигига келганда ўз-ўзимга ўхшамай коляпман. Ўйлашимча, инсон доимо ўзи кабиларни севади. Менда хам шундай бўлди.

— Нахот бирон ... — оғиз очдим.

— Асло, — гапимни бўлди. Нигоҳларидан билдимки, хакикатни гапираётганди. — Бир мартағина эр килдим — энди уни хаёлларимда “Хўқиз” деб атайман. У хозир хам Жунодаги ковокхонасида бўлса керак. Ўша ёкларга йўлингиз тушса, йўклаб кўйинг. Унинг мен айтган лакабга канчалик лойик эканлигига ўзингиз ишонч хосил киласиз. Икки йил ўтиб “Хўқиз”ни излаб топдим. У чинданда Люси таърифлагандек экан. Бокибегам, бакалок — хакикий хўқиз. У аранг оёқ судраб, ўзининг өмакхонасида мижозларига юриб-еларди.

— Ёнингизда суюнч бўлгани аёл кишининг кўли етишмас экан, — дедим унга.

— Качонлардир бўлган хам эди.

— Вафот этдими?

— Ха, вафот этди. У хар доим ошхонанинг бўгик хавоси сабаб аклидан озишини тақрорлайверарди. Шундай хам бўлди. Кунларнинг бирида менга револьвер ўқталди-да, сивашлар билан кайикда кочиб кетди. Довул туриб, хаммаси сувга гарк бўлди.

Трифден яна стаканни тўлатиб, анчагача сукут саклади.

— Хўш, аёлга нима бўлди? — эсга солди Милнер. — Энг кизик жойида тўхтаб колдинг-ку. Кейин нима бўлди?

— Кейинми, — давом этди Трифден, — кейин ўзининг айтишича, бошка хаммасида ёввойилигича колган бўлса-да, турмуш ўртогини ўз иркидан бўлишини истарди. У менга рафиқа бўлишни хоҳлаётганини мулоимгина, рўйрост тушунтирди.

— Ёт киши, — деди у, — кўнглимдаги инсон бўлиб чикдингиз. Модомики, кузда Коятогни ишгол этиб, бу ерларга кадам ранжида этибсизми, демак, бизнинг турмуш тарзимиз

сизга маъкул экан. Каранг, кандлай гўзал жойлар. Бундан яхшисини тополмайсан. Шу ерларда колсангиз бўлмайдими? Мен садокатли хотин бўламан. У жавобимни кутарди. Тан олишим керакки, ичимда жон деб турардим. Мен ошик бўлиб колгандим. Лек, кўриб турганингиздек, бўйдокман. Ортимга ўгирилиб, айтишим мумкинки, Люси мени ўзига ром эта олган ягона аёл эди. Бирок бўлиб ўтган вокеалар менга ўта бемаъни туюлди. Суюкли аёлим бор, дея жентльменлардек кулогига лагмон илдим.

— У сени кутаяптими? — сўради Люси.

— Бўлмасамчи.

— Сени севадими?

— Севгандা кандок.

Шу билан хаммаси тугади. Люси кайтиб бу мавзуга тўхталмади... факат бир сафаргина... ичидаги тўфонни ушлаб туролмади.

— Биргина кош коксам бўлгани, — деди рахнамо, — сен бир кадамга-да жойингдан жилолмайсан... Ха, бир оғиз сўзим кифоя — бу ерда умрбод колиб кетасан. Йўқ. Мен бундай килмайман. Агар сен хоҳламас экансан, сени ушлаб туролмайман. Менинг мухаббатим хам сенга керак эмас экан.

Люси чодирдан чикиб, йўлга отланишимга кўмаклашишларини амр этди.

— Жўнаб кетаётганинг юрагимга ўт соляпти, — деди у видолашаётиб. — Сени севиб колдим. Агар фикрингни ўзгартирсанг, ёнимга кайт.

Мен уни ўпгим келарди, ахир, мен унинг ишкида ёнардим, бирок юрагим бетламасди. Кейин, бунга кандай қарайди, билмайман. Унинг ўзи ёрдамга келди.

— Мендан бўса ол, — деди у, — бўса ол, кейин эслаб юриш учун.

Биз Коятог этагидаги корли водий багрида оғиз-бурун уриштирилди. Люсини йўл четида колдириб, итларим изидан чопиб кетдим. Довонни ишгол этиб, Катта Бандикўлдаги илк учраган постга этиб келгунимча бир ярим ой муддат керак бўлди.

Дераза ортидаги шахар олислардаги тўлкинлардек шовулларди. Официант найчали стакан келтириди. Жимжитликда Трифденнинг овози дафн кўнгирогидек ингради:

— Ўша ёкларда колганимда яхши бўлармиди. Ахволимга карапнглар.

Биз унинг ок оралаган сокол-мўйловига, ялтирошибига, салкиган кўзларига, осилган лунжларига, бакбакаларига назар ташладик. Бу сийрат качонлардир кучли, зуваласи пишик, сабиткадам бўлган, эндиликда эса ниҳоятда зерикарли ва фаровон турмушдан мой боялаган, хаётдан тўйган, шарти кетиб, парти колган инсоннинг инъикоси эди.

— Хали хам кеч эмас, кария, — Бардуэлнинг товуши базўр эшитилди.

— Худо хакки, кўркоклигимдан афсус чекаман! — Трифденнинг нидоси отилиб чиқди. — Унинг ёнига кайтсан бўларди. Хозир хам ўша ерда. Мен бел бояграб, тогу-тошларда у билан бошкacha хаёт кечиришим мумкин эди... Бу масканларда колиш — ўз жонига касд килиш билан баробар! Лекин ахволимга разм солинглар: ўзим бор-йўги кирк еттида бўлсам-да мункиллаган чолдан фарким колмаган. Энг ёмони шундаки, — стаканни кўлига олиб, унга тикилди, — бундай тарзда ўз жонига сункасд килиш жасорат талаб килмайди. Мен ўзбошимчалигимча колдим. Олис сафар ўйидан этим жимирлайди; тонгги аёз, муз коплаган чаналар даҳшатидан юрагим оркага тортади.

Одатдагидек стаканнинг пешонасини лабига олиб борди. Кейин бирдан газаб оловида стаканни полга уриб чилпарчин киладигандек тараддудланди. Аммо газаб ўрнини аввалига иккиланиш, сўнг ўйчанлик эгаллади. Стакан боз кўтарилиб, лабга тегар-тегмас

тош котди. Трифден хириллаб, хасрат-ла жилмайды, бирок сўзлари тантанавор янгради:
— Тун Фарзанди учун кадаҳ кўтарайлик! У чинакамига беназир аёл эди!

Рус тилидан Сайджалол Сайдмуродов таржимаси